

---

## Ёшлар етакчилариға спорт анжомлари топширилди

Ёшлар етакчилариға спорт анжомлари топширилди

Ёшларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш борасида Данғара туманида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги Данғара туман бўлими томонидан маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ёшлар етакчилариға спорт анжомлари топширилди.

Эндиликда ёшлар етакчилари "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг маҳалла босқичини ўтказишда шунингдек, маҳаллаларда ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун спорт анжомлари уларга хизмат қилиши табийдир.

---

2024-03-12 19:24:39